

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ



2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаоб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фаргона – 2022

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.11.2022-й. кунги ПК-408 сонли қарори ижроси бўйича махалла шароитини яхшилаш мақсадида Боғдод т. Шўроқер МФЙ худудида электр курилиш монтаж ишларини бажариш учун Топографик – Геологик ишларни бажариш хизмати.

1.2. Танлов киймати 11 101 919,5 (Ўн бир миллион бир юз бир минг тўққиз юз ўн тўққиз, элик тийин) сўм.

Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чикқан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. «**ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ**» АЖ (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фаргона шаҳар Кувасой куча 74-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов «**ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ**» АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги молиявий хамда малакавий талаблар қўйилиб таклифлар қўйидаги баллар асосида 10 баллик тизим билан баҳоланади.

А) Молиявий фаолият бўйича. (Бухгалтерия баланси – Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот -2021 йил ва 2022 йил 1 ярим йиллик якуни бўйича учун солиқ органларига топширилганлиги бўйича тасдиқланган холатда Кафолат хати.

Б) Ишчи ходимлари тўғрисида маълумоти.

Ишчи ходимларини тасдиқланган рўйхати

Мехнат ресурслари базаси [my.mehnat.uz](#) билан интеграция килинган ишчи ходимларининг тасдиқланган маълумоти.

В) Корхона тўғрисида умумий маълумот.

Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома, корхона низоми.

Якуний бенефециар тўғрисида тасдиқланган маълумот.

Г) Иш тажрибаси.

Соҳага оид бажарилган ишларнинг тасдиқланган рўйхати.

Д) Каррупцияга карши қурашиб буйича ариза.

Танлов иштирокчилари каррупцияга қарши қурашиб буйича аризани тасдиқланган холатда “Фаргона ХЭТК” АЖ танлов комиссиясига электрон холатда тақдим этишлари шарт.

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишида ([etender.uzex.uz](#)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов хужжатларида күйидагилар тақдим этилиши лозим: Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар 3.2. банд бўйича тасдиқланган хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки шунга ўхшаш 3.2. бандда талаб этилган бошқа хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартриш киритиш хуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда Голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) тавсифини ўзгартиришга йўл қўйилмайди, бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари 'коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолангандан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталаида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ЛСХТБ бошлиғи:

И.Солиев